

## Бу Роббимнинг фазлидандир



12:34 / 24 июль 1357

Аллоҳ таоло «Ҳадид» сурасида марҳамат қилади:

الْكِتَابَ مَعَهُمْ وَأَنْزَلْنَا بِالْبَيِّنَاتِ رُسُلَنَا أَرْسَلْنَا لَقَدْ

بَأْسٌ فِيهِ الْحَدِيدِ وَأَنْزَلْنَا بِالْقِسْطِ النَّاسَ لِيُقُومَ وَالْمِيزَانَ

إِنَّ بِالْغَيْبِ وَرُسُلَهُ يُنصِرُهُ مِنْ اللَّهِ وَلِيَعْلَمَ لِلنَّاسِ وَمَنْفَعٌ شَدِيدٌ

**«Батаҳқиқ, расулларимизни очиқ-ойдин ҳужжатлар ила юбордик ва одамлар адолатда туришлари учун улар билан китоб ҳамда мезон нозил қилдик. Ва темирни туширдик - унда катта куч-қувват ва одамлар учун манфаатлар бор, Аллоҳ ким Ўзига ва расулларига ғойибона ёрдам беришини билиши учун. Албатта, Аллоҳ ўта қувватлидир, ўта иззатлидир», - (25-оят).**

Демак темирда одамларга манфаат бор ва унинг энг катта манфаати шуки уни Аллоҳнинг ва Унинг расулларининг нусрати йўлида ишлатилади. Шунинг учун темирдан аввал элчилар юборгани ва китоблар нозил қилганини зикр қилган. Шунинг учун ҳам мусулмон одам Аллоҳ яратган ва борлиқда жойлаб қўйган ҳар қандай кучдан Аллоҳнинг йўлида, Унинг динини тарқатиш ва уни барча динлардан ғолиб қилиш, Унинг Сўзини олий қилиш учун, Аллоҳ унга ижозат берган йўлларда, қонуний савдо сотиқ, ҳалол касб қилиш, яхшиликка бўладиган сафар ва рухсат берилган манфаатлар йўлида фойдаланади.

### **Бадгумонлигингиз ўзингиз биландир:**

Инсонлар тарафидан кашф этилган жонсиз нарсаларнинг ҳеч бир гуноҳи йўқдир. Чунки улар инсоннинг иродасига, ақлияти ва ахлоқига бўйинсунувчидир. Бас улар ўз зотида яхши ҳам, ёмон ҳам эмасдир. Аммо инсон уни ишлатиш билан яхши ёки ёмон қилиб қўяди. Кўпинча улар ўз зотида яхши бўлса-да, инсон уни ёмонликка ишлатиш билан, ичиқоралиги ва тарбиясизлиги сабаб уни ёмонга айлантириб қўяди. Бинобарин ана шу асбоблар ва кашф қилинган нарсаларда ҳеч гап йўқ. Ҳамма гап улардан фойдаланадиганларда, улар ишлатиладиган мақсадларда.

Европада ана шу асбоблардан, бомбардимончи ва шаҳару қишлоқларни, манзилу маконларни вайрон қиладиган самолётлардан, йўловчи ташувчи ва савдо сотиқ кемаларини сувга чўктириб юборадиган сув ости кемаларидан, ёлғон яшиқларни гапирадиган, ахлоқсизлик ва фаҳшларни тарқатадиган радиолардан шумланадиган, улардан нолийдиган ва маломат қиладиган кимсаларга қарата «Бадгумонлигингиз ўзингиз

биландир», дейилса тўғри бўлар эди. Чунки табиий фанлар моддий қувватни инсонга бўйсундириб беради. Ундан қандай ва қаерда фойдаланишни ўргатиш унинг иши эмас. Масалан гугурт сизга олов беради. Сиз унинг ёрдамида бир уйни одамларига қўшиб ёқиб юборишингиз, ё таом пиширишингиз, ёхуд совуқда исинишингиз мумкин. Инсонга бу кучларни қандай ва қаерда ишлатишни ўргатадиган нарса диндир. Дин ана шу кучлардан қандай қилиб тўғри фойдаланишни, қандай қилиб Аллоҳнинг бу неъматига шукр келтиришни ўргатади. Аллоҳ унга бериб қўйган кучқудратни зулм, жиноят, маъсият ва тажовуз йўлида ишлатишдан инсонни қайтариб туради. Мусо алайҳиссалом: «Эй Роббим, менга берган неъматнинг ҳаққи-ҳурмати ҳаргиз жиноятчиларга ёрдамчи бўлмасман», деган бўлсалар Сулаймон алайҳиссалом: «Бу Роббимнинг фазлидандир. Мен шукр қиламанми ёки куфрони неъмат қиламанми, синаш учундир. Ким шукр келтирса, ўзи учунгина шукр қилур. Ким куфрони неъмат қилса, бас, Роббим беҳожат ва карамли зотдир», деган эдилар.

***«Олам ва одам, дин ва илм» китоби асосида тайёрланди***

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 30 ноябрь 03-07/9089-сонли хулосаси асосида тайёрланди.